



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIJ VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MADANIYAT VAZIRLIGI



BUXORO VILOYAT
HOKIMLIGI



BUXORO

OLAMOI MADANIYATI MARKAZI

علماء المنطقة في العالم الإسلامي

2020

THE SIGNIFICANCE OF BUKHARA IN THE ISLAMIC CIVILIZATION

INTERNATIONAL SCIENTIFIC- PRACTICAL ONLINE CONFERENCE



**28-29 May, 2020
Bukhara**

борганида “Шашмақом” куйларини ўзлаштириб келгани тарихдан маълум¹. Мумкинки, Дарвиш Али Чангий ҳам қайсидир Бухоро хони томонидан Хивага элчи сифатида бир муддат юборилган бўлса!

1847-йили Бухорода ёзилган муаллифи номаълум бўлган рисолаларда Бухоро мусиқа санъатига оид муҳим маълумотларнинг гувоҳи бўламыз².

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Темурийлар салтанати инкирозга учрай бошлаган даврда унинг ҳудудларида учта йирик давлат – Мовароуннаҳрда Шайбонийлар, Ҳиндистонда Бобурийлар ва Эронда Сафавийлар мамлакати юзага келди. Ана шу даврдан эътиборан жаҳоннинг қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлмиш Бухорои Шариф Шайбонийлар давлатининг пойтахти сифатида қарор топа бошлаган.

Улуғ тамаддунлар тарих саҳифаларидан бирданига ўчиб кетмайди. Бу ҳақиқат Темурийлар салтанати инкирозга учраб, унинг бир қисмида Бухоро хонлиги юзага келиш жараёнига ҳам тааллуқли, албатта. Дини ислом марказларидан бири бўлиб келган Бухорои Шариф – Темурийлар салтанатининг пойтахти ҳамда маданий маркази бўлган Самарқанд ва Ҳиротнинг вориси сифатида қад кўтариб, турли мамлакатларнинг илм, маданият ва маърифат аҳли Бухорога интила бошлайди. Бухоро – жаҳоннинг иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланди.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШИНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ТАСНИФЛАНИШИ

БДУ доценти Зарипова Г.К., БДУ ўқитувчиси Хазратов Ф.Х.

“Ахборот” тушунчаси лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб, бирон-бир вақт ёки ходисанинг баёни, изоҳи маносини англатади. Ҳаётда ахборотга моддий дунёнинг у ёки бу томони ва унда содир бўлаётган жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар деб қаралади. Иқтисодий-хўжалик фаолиятида ахборот деганда, кенг маънода, атроф муҳит тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар тушунилади. Бу маълумотлар атроф-муҳит билан ўзаро алоқадан, унга мослашишдан ва унинг ўзгариши жараёнидан олинган бўлиши мумкин. Ахборот – бу, яратувчиси доирасида қолиб кетмаган ва хабарга айланган, билимлар ноаниқлиги, тўлиқсизлиги даражасини камайтирадиган ҳамда оғзаки, ёзма ёки бошқа усуллар (техник воситалар, ҳисоблаш воситалари ва ҳоказолар) ёрдамида ифодаланиши мумкин бўлган атроф-муҳит (объектлар, воқеа-ҳодисалар) тўғрисидаги маълумотлардир.

Иқтисодий ахборот бошқарув вазифалари, пайдо бўлиш жойи, фойдаланиш даражаси, ҳосил бўлиш босқичлари, пайдо бўлиш вақти, маълумотлар бериш усули, тўлалик, барқарорлик белгилари бўйича тавсифланади. Иқтисодий ахборотни бошқарув вазифаларига кўра таснифлаш, уларнинг ўзаро нисбатини бошқарув вазифаларига боғлиқ ҳолда ҳисоб, режа, директива ва ҳоказо ахборотга ажратилади. Бунда ҳисоб ахбороти содир бўлган воқеалар, ҳодисалар, хўжалик жараёнларини тавсифлайди, режа ахбороти эса келгуси даврда юз берадиган ҳодиса ва воқеаларни акс эттиради. Директива ахборотида директивага хос маълумотлар бўлади ва бу ахборот бошқарувнинг юқори даражаларидан келиб чиқади. Иқтисодий ахборотни пайдо бўлиш жойига кўра ички ва ташқи ахборотга ажратиш мумкин. Ахборот ҳосил бўлиш босқичларига кўра бирламчи ва иккиламчи (ҳосила) ахборотга ажратилади. Бирламчи ахборот бошқарув жараёнининг дастлабки босқичида пайдо бўлади ва объект ҳолатини акс эттиради.

Иқтисодий ахборот пайдо бўладиган фурсатига кўра даврий ва нодаврий ахборотларга бўлинади. Даврий ахборотда ойлик, чораклик, йиллик, беш йиллик ахборотлар ажратилади. Нодаврий ахборот фойдаланувчи талабига кўра берилади. Ахборотли хабарлар объект иши маромида олинаётган бўлса, улар одатда вақт амалий кўламидаги хабарлар деб аталиб, иқтисодий ахборот маълумотлар берилиши услубига кўра матнли ва ёзувли ахборотларга

¹ Ўша манба. 39-бет.

² “Рисолаи шаш даромад ва насрхояш” ЎЗР ФАШИ. Инв. № 1466; “Рисолаи шаш даромад”. № 1466; “Дар баёни Шашмақом” № 1428; “Дар баёни Шашмақом” № 5734 ва х.к.

бўлинади. Матнли иқтисодий ахборот алифболик, рақамлик ва алифбо-рақамлик бўлиши мумкин. Тўлалик белгисига кўра иқтисодий ахборот етарли, ортиқча ва етишмовчилик ахборотларга бўлинади. Ҳар қандай бошқарув ишини тўла бажариш имконини берадиган зарур ҳажимдаги иқтисодий ахборот етарли ҳисобланади. Фойдали ахборотнинг бир қисми тақрорланса, у ҳолда бу ифойдаланилмаган маълумотларни ўз ичига олган ахборот, ортиқча ахборот ҳисобланади. Шу билан бирга ахборотдан унинг ишончилигини назорат қилиш ва ошириш учун фойдаланилади, гоҳо, у керак бўлиб қолганда сақланади. Кўпинча ортиқчалик ахборот етарли асосларсиз ушланиб тарқатилганда ҳам пайдо бўлади. Назорат-тақрорлаш ортиқча ахбороти пухта назоратни йўлга қўйиш учун зарур, бунда маълумотларни ишлаш техник воситалари кам ишончли, бошқарув фаолияти номукамал ташкил этилган бўлади. Фойдаланиши иқтисодий вазибалар ечими имкониятларини таъминламайдиган ахборотга етишмовчилик ахборот дейилади. Ортиқча ахборот бўлганида, гарчи бу иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлсада, бошқарув мақсадга эришилади. Лекин ахборотнинг етишмовчилиги бошқарув вазибалари бажарилишига тўсиқ бўлади ёки шундай ахборотдан фойдаланишда хато ечимларга олиб келади. Барқарорлик бўйича иқтисодий ахборот ўзгарувчан ва шартли-доимий ахборотларга бўлинади. Ўзгарувчан ахборот хўжалик жараёнининг амалдаги миқдорий ва сифатий тавсифларини акс эттиради.

Доимий ахборот ҳажми, ташкил топиш манбаи, мазмуни ва бошқарув масалаларини ҳал этишда оз ёки кўп фойдаланишга кўра фарқланади. Доимий ахборот таркибида мазмунига кўра маълумотли, меъёрий, баҳолаш, режа, жадвал ва ҳоказо ахборотларни ажратиш мумкин. Маълумотли ахбороти боғлиқлиги узоқ вақт бўлган белгилар кўринишдаги доимий хоссалар тавсифини ўз ичига олади. Меъёрий ахборот ишлаб чиқаришнинг турли хил унсурларини тавсифловчи илмий ва техника жиҳатидан асосланган меъёрлар тизимидир. Меъёрий-баҳолаш ахборотни турли хил баҳолар, қийматлар, тарифлар, маошлар жамидан ҳосил бўлади. Жадвалли ахборотда техника-иқтисодий ҳисоб-китоблар учун, масалан, давлат солиқларини, асосий ишлаб чиқариш воситалари турларига сарфланадиган эскириш (амортизация) ажратмалари маблағини ушлаб қолиш учун олдиндан ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичлар бўлади.

Ахборот бошқа белгиларга кўра ҳам тавсифланади. Масалан, ҳужжатларда қайд этилишига боғлиқ ҳолда ҳужжатлаштирилган ва ҳужжатлаштирилмаган ахборотларга, бериш ҳамда идрок этиш усулига кўра оғзаки ва ёзма, кўз билан кузатиладиган ҳамда кузатилмайдиган ахборотларга ажратилади. Иқтисодий ахборотнинг айрим ишловчи турлари учун ўзига хос таснифлар ҳам тузилади. Масалан, режали ахборот узоқ муддатли ахборотларга, бухгалтерия ҳисоби ахбороти таҳлилий ҳамда синтетик ахборотларга бўлинади. Иқтисодий ахборотга бир қанча талаблар қўйилади. У ўз вақтида бериладиган, ишончли ва долзарб бўлиши керак. Ўз вақтида бериладиган ахборот бошқарув қарорини ишлаб чиқишда белгиланган маросим ва тартибни бузмай ҳисобга олиниши мумкин бўлган ахборотдир. Ахборотнинг ишончилиги деганда ахборотни амалда мавжуд бўлган объектларни зарур аниқлик билан акс эттириш хусусияти тушунилади. Ахборотнинг долзарблиги ундан фойдаланиш фурсатида унинг бошқарувсиз қийматини сақлаш даражаси билан белгиланади ҳамда акс эттириладиган объектнинг статистик тавсифларига (уларни ўзгаришига) ва мазкур ахборот пайдо бўлиш фурсатидан кейин ўтган вақт оралиғига боқилиқ бўлади.

Сифатли ахборот юксак пировард натижага эришиш мақсадида тўғри бошқарув ечимлари қабул қилинишига ёрдам беради. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида, умуман иқтисодиёт бўйича ва, хусусан, темир йўл транспортида янги хўжалик тузилмаларининг (ижара, кичик, акциядорлик, хусусий ва бошқа корхоналарнинг) пайдо бўлиши ахборот сифатига оширилган талабларни қўяди.

Шу билан бирга, «On-Line» режимида ишловчи «Uzkart-EMV» миллий банклараро пластик карточкалар тўлов тизимини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларидан тегишли дастурий-аппарат мажмуалари ишга туширилди ҳамда EMV технологиясига мослашган терминаллар жорий қилинди. Бу ишлар натижасида, 2016 йил 1

январь ҳолатига республика бўйича барча тижорат банклари томонидан онлайн режимида ишлайдиган 8 426 280 та банк пластик карталари муомалага чиқарилишига эришилди. Бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида қуйидагилар амалга ошириш мўлжалланган:

муомаладаги онлайн банк пластик карталари, тўлов терминаллари, инфокиосklar сонини оширган ҳолда республика молия инфраструктурасини кенгайтириш;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича, дастурий таъминот, банккомат ва пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналар импорт бўйича олиб кирилганида тижорат банклари бож тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2020 йил 1-январга қадар озод қилиш;

пластик карта тизими учун импорт шартномалари бўйича харид қилинган техник ва дастурий воситалардан самарали фойдаланишни назорат қилиш ва зарур чораларни кўриш.

Республика банк тизимида юқорида қайд этилганларнинг жорий қилиниши тизим аъзолари ҳисобланган банклар, шунингдек, тизим фойдаланувчилари бўлган, маблағларни тўловчилар ва маблағларни олувчилар учун қуйидаги афзалликларни юзага келтиради:

замонавий банк ахборот-коммуникация инфратузилмасини тўлақонли шаклланишига имкон яратади;

тўловларни амалга оширишнинг узлуксизлигини ва шаффофлигини таъминлайди;

тижорат банклари ўртасидаги вакиллик ҳисобварақлари доирасидаги ҳисоб-китобларни оптималлаштирилиши ва жадаллаштирилишига имкон яратади;

маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчилар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг реал вақт режимида амалга оширилиши орқали тўловларнинг аниқлик ва ишончлилиқ даражаси оширилишини таъминлайди;

тижорат банклари учун тизим харажатларининг камайишига олиб келади ҳамда вакиллик ҳисобварақларидаги бўш пул маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишларига имкон яратади;

ҳар бир босқичда маълумотларнинг ишончлилигини назорат ва мониторинг қилинишини таъминлайди;

банк хизматларининг ликвидлиги оширилишига эришилади;

жисмоний шахслар учун масофадан туриб, ўз ҳисобварақларини бошқариш тизимлари орқали бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобвараққа реал вақт режимида пул маблағларини кўчириш имкониятини беради;

реал вақт режимида жисмоний шахслар ўртасидаги пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти;

жисмоний шахслар банк пластик карталари ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағларни кредит ҳисобварақлари фоизи ҳамда кредит суммасини сўндирилишига узатиш имконияти;

интернет тармоғи орқали электрон тижорат доирасида амалга оширилган операциялар бўйича ҳисоб-китобларни банк пластик карталари ёрдамида бажариш имконини берувчи дастурий таъминотни жорий этиш имконияти;

электрон тижорат доирасида товарлар ва хизматлар учун тўловларни бошқа депозит ҳисобварақлари орқали реал вақт режимида амалга ошириш имконияти ташкил этилди.

Энг муҳими, ҳозирги кунда республикада долзарб масала ҳисобланган коммунал хизмат кўрсатувчилар (электр энергияси, табиий газ, махсустрас хизмати, иссиқлик манбаи, сувсоз хизмати ва бошқалар)нинг коммуникация тармоқлари инфратузилмаси шакллантирилиб, ушбу хизматлар бўйича аҳоли томонидан амалга оширилган тўловлар реал вақт режимида маблағлар олувчининг ҳисобварақларига ўтказилиши билан бирга, электрон журналларда ҳар бир маблағ тўловчиларнинг коммунал хизматлар учун тўланган маблағларининг суммаси, муддати (йил, ой, кун, соат, дақиқа, сония кўринишида) ва тўлиқ реквизитлари бўйича қайд этиб борилади. Маблағларни тўловчилар интернет тармоғи ёки мобиль телефонларига СМС-хабарнома келиши орқали ўз шахсий кабинетларидан ҳар бир

коммунал хизматлар бўйича тўловлар тарихини реал вақт режимида назорат қилиш имконияти яратилади. Бу эса тўловларнинг ишончлилигини ҳамда шаффофлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Гаров реестри тўғрисида»ги ва «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сонли «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғ-рисида»ги, 2013 йил 27-июндаги ПҚ-1989-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва ресурс базасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини мамлакат банк тизимида самарали таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини 2016–2018 йиллардан бошлаб то ҳанузгача юқоридаги масалаларни жорий этиш ва ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат иқтисодиётининг қон-томири ҳисобланган банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда замонавий нақд пульсиз ҳисоб-китоблар механизмларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар банкларимиз томонидан миқдорларга кўрсатилаётган хизматлар сифати, тўлов интизоми ва маданиятини янги босқичга кўтарилишини таъминлаш билан бирга, барча иқтисодий тармоқлар тараққиётини мустаҳкамлашга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

*Ш.Х.Самиева –БухМТИ доценти
М.Х.Маджидова – БухМТИ магистранти*

Мустақил Ўзбекистонни келажаги ва равнақи илм фан тараққиёти ҳамда таълим тарбиянинг такомиллаши билан белгиланади. Шу боис Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ илм-фан, таълим-тарбия касб ҳунар ва кадрлар тайёрлаш масалаларига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилди ва бу борада қатор ислохотлар қабул қилинди. Бу ислохотлар аввало ҳар бир кишида чуқур ва мустаҳкам билим, теран фикр, юксак маънавият ва маданият, ижодкорлик, ташаббускорлик хислатларини таркиб топтиришни тақозо этмоқда

Мамлакатимизда айна пайтда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг туб-тубидан ўрин олди. Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли биз ўзлимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имконига эга бўлдик. Шу сабабли халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шухрати олам узра янада кенг ёйилмоқда.

Азалдан юрт тинчлиги ва ободлиги, янги авлоднинг ажодлар руҳига садоқати, улардан қолган меросни авайлаш ва бойитишга сафарбар қилиб тарбиялаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб, яшаб келаётган халқимизнинг буюк фарзандлари асрлароша жаҳон тараққиётига бекиёс ҳисса қўшиб келганлар. Уларнинг илм-фан ва маънавият соҳаларида эришган юксак натижалари Шарқу Ғарбни ўзаро боғлаган, буюк цивилизация ўчоқларини

Улугмуродов Элёр ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ЦЕННОСТЕЙ ИСЛАМА В ФОРМИРОВАНИИ ЭСТЕТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ.	699
Мухамедова Муниса МИР АРАБ МАДРАСАСИ: ТАЪЛИМ ВА НОЁБ МЕЪМОРЧИЛИК АНЪАНАЛАРИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯСИ АСОСИ.....	702
Мастура НАРЗИЕВА, Фируза ДЖУРАЕВА БАХОУДДИН НАҚШБАНД ТАРИХИЙ МЕЪМОРИЙ МАЖМУАСИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ҲАМДА УМУМТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ	705
Жабборов Латофат БУХОРОДАГИ КАЛОН МАСЖИДИНИНГ ТАЪМИРЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАДРИЖИЙ ЎРГАНИЛИШ АСОСЛАРИ.....	708
Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА АЖДОДЛАР МЕРОСИНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНЛАРИ.....	710
Nurmatova Nasiba, Murodaliyev Abdulnosir BUXORO - ISLOM MADANIYAT MARKAZI	713
Очилов А.Т., Аббосов А.З. БУХОРОНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ МАСАЛАЛАРИ (ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ МИСОЛИДА).....	715
Шохрух Қаюмов ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ УЧУН ҚУЛАЙ МАНЗИЛ.	717
Дробченко Наталья ИСТОРИЧЕСКИЕ САДЫ И ПАРКИ БУХАРСКОГО ХАНСТВА.....	719
Ш.Б. Турובה ИСЛОМИЙ ОБИДАЛАР ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА.....	722
Жўраева Нафиса ИСЛОМГАЧА БУХОРО ШАҲРИ МОЗОРЛАРИ ТОПОГРАФИЯСИ.....	723
Ражабова Дилноза БУХОРО АМИРИНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА ҚУРДИРГАН ЖОМЕЪ МАСЖИДИ ...	727
Вазира Садуллаева БУХОРО ТАРИХИ ҲАМДА МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ОМИЛЛАРИ	731
Гадоев Дадаҳон, Аҳматов Мухриддин ИСЛОМ ОЛАМИДА ҚУРИЛГАН БИРИНЧИ МАСЖИД	733
Нозимаҳон Авазхонова БУХОРО ШАҲРИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ	736
Болтаев Бобир БУХОРОДА “БОЙ САВДОГАР ХОНАДОНИ” МУЗЕЙИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН..	738
Вазира Садуллаева БУХОРО ТАРИХИ ҲАМДА МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ОМИЛЛАРИ	740
Ogipova Mavluda AZIZ-AVLIYOLARGA BESHIK BUXORO.....	743
Xoliqulov Muhammad QUBBAT UL-ISLOMDAGI ROYI KALOM ANSANBILI GAVNHARI - MIR ARAB MADRASASI.	745
Ҳасанова Нишона СИТОРАИ МОХИ-ХОСА – ҚАДИМИЙЛИК ТИКЛАНМОҚДА.	747
Bekmurodova Sohiba BUXOROI - SHARIF YURTIDAN TARALGAN ZIYO.	748
Tajibayev Shokhrukh THE IMPORTANCE OF DEVELOPMENT OF THE PILGRIMAGE TOURISM.....	750
Маҳмудова Нодира, Тажибаев Шохрух ТАСАВВУФ АЛЛОМАЛАРИ - ЕТТИ ПИР ЗИЁРАТИНИНГ УМУМБАШАРИЙ АҲАМИЯТИ.....	753
Зарипов С.Д., Мажидов Ж.Ж. “ТУРКИСТОН ТўПЛАМИ” ДА МУСУЛМОНЛАРНИНГ ҲАЖ ЗИЁРАТИ ХУСУСИДА (XIX АСРНИНГ ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	759
Базарбаев Акмал ТУРКИСТОНДАГИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ДОИР МАНБАЛАР (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	761
Алимжоннова Мехринисо МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ КАТЕГОРИЯСИ ТАДҚИҚИ ВА УНИНГ ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	764
Sultanova Gulandom ISLOM SIVILIZATSIYASIDA BUXORO MA'NAVIY-MARIFIY MEROSINING ANAMIYATI.....	768
Гафурова Моҳира, Рўзиев Д. БУХОРОНИНГ ЕТТИ ПИР ЗИЁРАТГОҲЛАРИ.....	771
4-шўъба. АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ ИЛИМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР НЕГИЗИ СИФАТИДА	773
Gulyamov Saidasror, Mamarasulov Khasan, Nuritov Ulugbek OBJECTIVE CONDITIONS AND TENDENCIES OF DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY IN AGRICULTURE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN .	774
Негматова Шахзода, Мавлонова Маъмура АЛЛОМАЛАРИМИЗ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ	776
Барот Амонов МАҲБУБИЙ БУХОРИЙ СУЛОЛАСИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ИСЛОМ МАНБААШУНОСЛИГИДАГИ ЎРНИ.....	778
Исақова Замираҳон АБУ БАКР КОСОНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ ВА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ АҲАМИЯТИ ...	782
Дилноза Жамолова БУХОРО УЛАМОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК ҲАРАКАТИГА МУНОСАБАТИ.....	786
Бекпулатов Улугбек ФИЛОСОФСКОЕ ИСТОЛКОВАНИЕ ИДЕИ СИММЕТРИИ В ТВОРЧЕСТВЕ ЦЕНТРАЛЬНО - АЗИАТИЧЕСКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ.....	790
А.А.Асроров, Ч.А.Аминжоннова ЗАМОНАМИЗ ТИББИЁТИГА ҚАДАР ИСЛОМ УЛАМОЛАРИНИНГ УНГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ.....	793
Маҳкамой Турсунова МАДРАСАЛАРДА ЎҚИТИЛГАН ИЛМЛАР ТАСНИФИ	795
Dilova Nargiza AJDODLARIMIZNING ILMIY MEROSI - ZAMONAVIY BILIMLARNI EGALLASH ASOSI.....	797
Ашуров Бахтиёр ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАН СЎНГ БУХОРОДА ЯРАТИЛГАН МУСИҚАГА ОИД МАНБАЛАР ХУСУСИДА	799
Зарипова Г.К., Ҳазратов Ф.Х.АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ТАСНИФЛАНИШИ	802